

ИШОНЧ

51

1993 йил
18 декабрь
[144]

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ЯНГИ ҚЎМИТА ИШ БОШЛАДИ

Янги ташкил этилган машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилоят ташкилоти ўзининг таъсис конференциясини ўтказди.

Маълумки, йирик ишлаб чиқариш концернларига тааллуқли корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари қасаба уюшмаларини бирлаштириш ва улар негизида машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшмасининг ташкил этилиши чуқур ислохотлар рўй бераётган кунларда жуда маъқул иш бўлган эди. Ахир бу уюшмага қарашли корхоналар республика ишлаб чиқаришнинг салкам 30 фоизини ташкил этади. Шу жиҳатдан Андижон вилояти ишлаб чиқариши Тошкентдан сўнг 2-ўринда туради. 31 та бошланғич ташкилоти бўлиб, шундан 22 та корхона бевосита ишлаб

чиқариш билан шугулланади. Қасаба уюшма аъзолари сони 20 мингдан ортиқ. Вилоят қўмитаси тузилишига нафакат имконият бор, балки зарур.

Конференция иштирокчилари шу ҳақда батафсил гаплашиб олдилар. Маърузачи ва музокарага чиққан ўртоқларнинг фикрлари таҳлил қилинди. Тармоқ қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси Низомининг 6,1 моддасига асосан машинасозлик саноати ходимлари Андижон вилоят қўмитасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Қўмита раиси қилиб энергетика ва электротехника саноати ходимлари қасаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси лавозимда ишлаган Баҳром Усмонович Қурбонов сайланди.

«Ишонч» мухбири.

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Америка Қўшма Штатларидаги стратегик ва халқаро тадқиқотлар марказининг маслаҳатчиси Збигнев Бжезинскийнинг бўлиб ўтган учрашувида ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларнинг истиқболлари ҳақида сўз борди.

● **БЕЛОРУСЬ** Республикаси Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевич мамлакатимизга расмий-амалий ташриф буюрди. Ташриф чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида келишиб олинди.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти Ислам Каримов республикаимизга меҳмон бўлиб келган Южи Киекава бошчилигидаги Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлиги вакиллари ҳамда япон ишбилармонларини қабул қилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Пул муомиласини тартибга солишнинг айрим чоралари ҳақида» қарор қабул қилди.

● **ҚИШЛОҚ** хўжалик вазирлиги, «Ўзметазавотузумсаноат», «Ўзкооптайёрлашсавдо» тизимларида шартнома (эркин) нархларни вужудга келтириш ва қўлланишдаги жиддий хатолар ҳақида Республика Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

● **ТОШКЕНТДА** бўлиб ўтган Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг навбатдан ташқари пленумида ташкилий масала кўрилди. Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод қилинди. А. Тешабоев республика Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗДА** Қизил ярим ой жамғармасига маблағ йиғиш ўн кунлиги давом этмоқда. У 20 декабрдан давом этади.

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЯДИ

ЯККАБОҒ тумани марказидаги сўт қабул қилиш пункти заводга айлантирилмоқда. Завод суткасига 25 тонна сўтни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, 7 турдаги сўт-қатик маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлайди.



Қўлингиз анча келишиб қолибди. Зулфия Юсупов вилоятининг Бухоро тумани Усмон Юсупов фияхон, кўйлакни жуда чиройли тикибсиз, номидаги жамоа хўжалигида очилган балли! — дейди мураббий Хурматой Наврўзова шогирди Зулфия Султоновага. «Чакмоқ» кўшма корхонасида ишлайдилар. Бир-бирига устозу-шогирд бўлиб, аҳил меҳнат қилаётган бу опа-сингиллар Бухоро олган сурати.

Ш. ШАРОПОВ,
олган сурати.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига МУРОДГА ЕТГАНИНГИЗ МУБОРАК!

Шу кеча-кундузда барча ахли адабиёт 510 йиллик тўйи нишонланаётган Ҳазрат Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ёд этиб яшайти. Шаҳри Андижон эса дунёнинг ҳар бурчидан меҳмонларини қутади. Зероки, ҳам шох, ҳам шоир, ҳам тарихчи, ҳам тилшунос, ҳам саркарда, ҳуллас ҳақиқий заковат эгаси — Бобурмирзони дунёга берган Андижонни кўришга ким ошиқмайди, дейсиз?!

Боғишамол адирида сарин еллар эсади. Борлиқни қоплаган яшил майсалар бир маъромда титраб туради. Сўкмоқлар босиб, юқорилаб кетаверасиз, кетаверасиз. Юксакдан қарангиз бутун музофот қафтингизда тургандай. Дарвоқе, Бобур бобо, сиз юртдан чиқиб кетаётган маҳал шу юксакликдан сўнг бор Андижонга термилганингиз ҳақида манбааларда ўқинганман. Иқтидорлибур мусаввир ана шу онингизни қойилмақом қилиб қизиб, адабиёт музейимизга кўйибди. Унга тикилганлар муборак сиймойингизда акс этган ўқинч, бекиёс, муҳаббат ва тенгсиз иродани осон илғайди. Мен ҳам бу суврат қаршида узок туриб қоламан. Туйғуларим шеърга айланиб, оппоқ қоғоз узра тўкила бошлайди.

Видо деб титради туш таъбирлари. Аламдан гулпорлар тушов уздилар. Майсаси янчилик юрт адирлари. Кучоғи қонталаш гуллар тўздилар. Андижон осмони бу дам қорадур, Тақдирини қарғаб Бобур борадир.

Салтанат бу лаҳза қон урган тахтдир, Суяниб йиғлади кўшиқларига. Бўйларини чўзиб бокди дарахтлар, Изи узоқлаган ошиқларига.

Яшил япроқларнинг кўнгли порадир, Тақдирини қарғаб Бобур борадир. Зардоби кечмишли, зардоби савол. Бир диёр олдинда Хиндистон отли: Буюк Ганг мавжлари очар бунда фол, Бир ўғлон келар деб, мард, адолатли. Не тонг, ўғлон ғамдан тож илган Бобур, Насибаси Ҳиндга сочилган Бобур.

Оғрикли ҳаёллар тунни қўймас тинч, Синган кўнгул тўлмас, тўлмоғи мушкул. Умр адоғича кўзларда илинж, Бул илинжчи йиллар юлмоғи мушкул. Олов ютган газал кўксинг ёрадур, Анда жон қолди, деб, Бобур борадур.

Бу йил Боғишамол худудиди тўйингизга тўёна тарзи 10 гектарли боғ ва ёдгорлик жамғураси барпо этилди. Халқ уни «Боғи баланд» деб атаса не ажаб. Меҳмонлар миллий меъмorchилигимиз намунаси сифатида мрамор, ёғоч ва ганждан ишланган салобатли Аркни, Сизнинг каттақон хайкалингизни, рамзий макбарангизни зиёрат қиладилар. Унлаб пиллапоялар орқали макбарага элтувчи йўлақлар анвойи гуллар билан қуршалган. Бу маскан Сизга ихлос қўйган шеърпарастларнинг муборак зиёратгоҳидир. У ерда адабий анжуманлар, халқимизнинг турли миллий маросимлари, шеърхонлик кечалари ўтказилади.

Андижон шаҳрининг марказий майдониди эса от миниб турган саркардалик сиймойингиз қад тиклади. 12 метр баландликдаги бу ёдгорликда ҳам иродаси бақувват шохсуворнинг мураккаб ҳаёт йўли, зафарлари, дард-армонлари бую-бугун акс этгандай.

Шоир Бобур, саркарда Бобур қўли кўксиди: «Андижонга хуш келибсиз», деяётгандай. Назаримда халқингиз билан сизнинг дийдорлашувингиз тасвирига ўхшайди. Хайкалга боккан киши беихтиёр «Ғарибингга тараххум айлагилким Андижонийдур», деб яқунланадиган ажойиб газалингизни ёдга олади.

Андижоннинг эски шаҳаридаги Арк ҳам Сизга жуда азиздур. Бу табаррук жойни. Сиз иззат қиладиган меъморлар устозодалар таъмирлаб, иложи борича асл холида сақлаб қолишга интилганлар. Ҳозир Арк ичи Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги музей. Музей саҳнидаги мрамор ҳовуз ёнида ижод онингиз тасвирланган хайкал ҳам бор. Аркка туташ ҳунарпешалар кўчаси қулоч отган. Темирчилар, дурадгорлар, сандиксозу, бешиксозлар дўконлари шу кўчага жойлашган. Андижонни зиёрат қилишлик насиб этганлар ана шу кўчада ҳунарпешаларининг иқтидори, меҳнати билан танишадилар.

Сиз бугун барчанинг дили, тилдасиз. Андижон вилоят театри бу йилги мавсумини Сизнинг ҳаёт ва ижод йўлингиз тасвирланган «Бобур Мирзо» спектакли билан бошлади. Асар жуда муваффақиятли чиққан. «Андижон» нашриёти бу асарни беш тилда чоп этди. «Андижон Бобур даврида», «Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармонлари» янглик илмий, тарихий китоблар ҳам мана шу нашриёт маҳсулидир.

Рухингиз шод ўлсин, Сиз юртга қайтдингиз. Муродга етганингиз муборак бўлсин, азиз соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Бобур!

Замира РҶЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.



ВАТАН СОҒИНЧИ

Светлана Аҳадовна Маҳмёва — 1946 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро Давлат муаллимлар олийгоҳининг инглиз тили факультетини тугаллаб, олийгоҳ йўлланмаси билан Навоий шаҳрига ишга келган. Дастлаб ўқитувчи, кейинчалик мактаб директорининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1971 йилдан 1981 йилгача комсомол ва партия ишларида фаолият кўрсатди. Навоий вилояти ташкил этилгач вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг котиби этиб сайланди. 1992 йилдан буён вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг раиси лавозимида хизмат қилиб келаётир. Яқинда С. А. Маҳмёва Исроил давлатида бўлиб қайтди. Мухбиримиз Светлана Аҳадовна билан сафар таассуротлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Светлана Аҳадовна, аввало, айтингчи, сиз Исроил давлатига хизмат юзасидан уларнинг яшаш тарзи кизиқтириб, бордирганими ёки туристик саёҳатгами?

— Исроил давлатига, у ердаги халқнинг яшаш тарзига кўпчилик қатори мен ҳам қизиқаман. Иккинчи Америка деб аталувчи бу давлат тўғрисида матбуот саҳифаларида жуда кўп материаллар ёритилган. Бирок, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади. Бу юртга хизмат юзасидан бориб, саёҳат қилиш ҳам насиб этди, менга. Аниқроғи, Гистадруг деб номланувчи Исроил умумжамоа меҳнат конфедерацияси қошидаги Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари институти томонидан ташкил этилган «Демократик мамлакатларда бозор иқтисоди ва меҳнатга муносабат» мавзусидаги семинар ўқувга таклиф этилди...

— Семинарда кўпчилик давлатларнинг вакиллари қатнашди?

— Эшитишимча, бу ўқувга 20 давлатдан вакил иштирок этибди. Бизнинг гуруҳимизда эса Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Арманистон, Беларусь ва Россия вакиллари бор эди. Ўзбекистон Республикасидан эса бир ўзим бордим.

Институт директори Сара Альспектор ўша борган кунимизок биз билан дилдан суҳбатлашди. Семинарнинг очилиш маросимида Россия давлатининг Исроилдаги элчиси Александр Бовин ҳам иштирок этди. Машғулотлар юсак савияда олиб борилди. Биз Исроил касабаси уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишдик. Асосий мавзу бозор иқтисоди шаронтида меҳнат-

га оғли муносабат ва меҳнат кишисининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилди.

— Исроилда меҳнатқашларга иш ҳақи тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш қандай йўлга қўйилганлиги тўғрисида қисқача гапириб берсангиз?

— Уларда ойлик маош тўрт бўлакдан йиғилиб, яхлитлар экан: ойлик иш ҳақи, нарх-навонинг ўсишига қараб қўшимча, оила сонига кўра қўшимча маблағ, иш стажига қўшимча. Умуман, уларда ўртача иш ҳақи 1700 — 2500 шекелга тўғри келади.

Ижтимоий ҳимоя тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу борада уларга касабаси уюшмаларини қафтида тутиб турган умумжамоа конфедерацияси катта ёрдам бермоқда. Негаки, бу мустақил ва демократик ташкилот ўз қорхоналарига эга. Шунингдек, янгидан-янги қорхоналар очиб, меҳнатқашларни иш билан таъминлаб турибди. Шу туфайли ишсизлар сони атиги 11 фоизни ташкил этади.

Бирок, шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, у ерда меҳнат интизоми жуда каттик. Ҳеч ким бемаврид иш жойини ташлаб кетолмайди.

Менинг Исроилга келганимни собик навоийлик Абраш Қуюнов кимдандир эшитиб қолибди. У қўнғирок қилиб, мен билан учрашиш истагида эканлигини, аммо иш жойини ташлаб кетолмаслигини айтди...

— Демак, Сиз Исроилда Навоий вилоятида яшаган кишилар билан ҳам учрашибсизда. Собик юртдошларимиз у ерда қандай яшаштилар?

— Ҳа, Исроилда бўлган кунларимда кўпчилик собик навоийликлар билан учрашиб, суҳбатлашдим.

Масалан, Исроилга кетмасдан бундан Навоий тоғ-металлургия комбинати спорт комплексининг директори бўлиб ишлаган Лев Абрамович Каплан билан дилдан суҳбатлашдим. У ҳозир харидорларнинг магазиндан сотиб олган нарсаларини уйларига элиб берувчи бўлиб ишлаётган экан. Ойлик маоши кунлик чойчақасини ҳисобламаганда, 2500 долларга етар экан. Айни пайтда енгил машина сотиб олиш учун пул йиғайётганмиш.

Сафар чоғида Навоий шаҳар аҳолига маъший хизмат кўрсатиш комбинатининг собик хизматчиси Шевни ҳам учратдим. Бундан уч йил илгари оиласи билан Навоийдан Исроилга жўнаб кетган бу аёл ҳозирги пайтда чоғроқ хусусий сартарошхона ва дўкончага эга. Меҳнатга лаёқатли оила аъзолари эрталаб соат олтидан кеч соат саккизгача меҳнат қиларканлар. Ана шу қаттиқ меҳнат эвазига уч қаватли кўркам уй сотиб олишибди.

Собик юртдошларимиз Жора Шумунов, Григорий Рахмоновлар билан ҳам учрашиб, суҳбатлашдим.

— Светлана Аҳадовна, собик юртдошларимиз иттифокнинг тарқалиб кетганлигини, республикамизнинг мустақил давлат бўлганлигини эшитишган бўлсалар керак.

— Албатта. Улар ҳам халқимизнинг шу кунларда иқтисодий қийинчиликлар қуршоғида яшаётганлигидан қаттиқ ташвишланмоқдалар. Ўз навбатида Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажига каттик ишонмоқдалар, келгусида бу юрт жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан бири бўлиб қолишига катта умид билдирмоқдалар.

Мен собик юртдошларим билан учраганимда улар мени ўз туғишганларидек иссиқ кутиб олдилар. Уларнинг бир зум ҳам кетгилари келмади ёнимдан. Гўёки улар мендан суркуёш Ўзбекистон ҳавосини туйгандек гирди-капалак бўлишарди атрофимда. Қўярда-қўймай саволга тутишар, кимдир Навоийда истиқомат қилаётган қариндошининг, кимдир дўстининг ҳолаҳволини сўрарди. Уйларига меҳмондорчиликка таклиф этишарди. Шунда мен уларнинг кўзларидан соғинч, қалбларидан ҳаяжон уфуриб турганлигини сездим. Туғилиб ўсган Ўзбекистонга нисбатан муҳаббат ва ҳурматлари чексиз эканлигини, қалблари Ватан соғинчи билан лиммо-лимлигини дилда ҳис этдим.

Суҳбатдош: Ризо ҲУДОЙҚУЛОВ.

«Ишонч» мухбирлари
хабар қиладилар.

ҚАРДОШЛИК УЧРАШУВИ

ЯҚИНДА Туркиянинг «Петрол иш» ҳаракати синдикатининг нефть ва газ ходимлари вакиллари Фарғона вилояти касабаси уюшмаларининг меҳмони бўлишди.

Меҳмонларни вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг раиси А. Н. Мансуров самимий кутиб олиб, туркиялик дўстларга касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти, аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб берди.

Туркиялик меҳмонлар гуруҳининг бошлиғи Махмет Қирач «Петрол иш» ҳаракати синдикатининг фаолияти, унинг мақсадлари ва қардош Туркия элининг тарихи ва ҳозирги кун ҳақида сўзлаб берди.

Туркиялик қардошлар «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Нефтни қайта ишлаш заводларида ҳам бўлишиб, ишчи ва ходимлар суҳбатлашдилар, фарғоналикларнинг иш тажрибалари билан танишдилар.

«Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Қимёгар» маданият саройида меҳмонлар учун санъат усталари ҳамда бадний ҳаваскорлик гуруҳларининг рангбаранг концерт дастури намойиш этилди.

ҲОИДА ҲИСОБИГА ҚУРИЛИШЛАР

ЯНГИҚУРҒОН тумани марказида бинокорлик ютуқлари ҳамда миллий меъморчилик анъаналарини ўзида муҷассамлаштирган кўркам иморат қад қўтарди. «Янги ҳаёт» кишлоғидаги мева ва узумни бирламчи қайта ишлаш қорхонаси маҳсулотларини сотишга мўлжалланган бу бинога Шарқнинг ажойиб файласуфи ҳамда буюк шоири Умар Ҳайём номи берилди. Янгиқурғонга кўрк бағишлаган мазкур савдо шахобчаси қорхона олаётган фойда ҳисобига бунёдга келган қурилиш тармоқларидан бири ҳолос. Аслида район марказидаги муҳташам Маданият Саройи ҳам ана шу усул билан бунёд этилган.


Умуман, собик Иттифок раҳбарларининг узокни кўра олмасдан юритган қалбани сиёсати оқибатида вайрон этилган неча минглаб гектар тоқорлар, узум ва мевани қайта ишлаш шахобчалари қатори мазкур саноат қорхонаси ҳам вайрона ҳолатга келган, ишчилар тарқалиб кетган эди. Ўзбекистонимиз мустақиллиги туфайли бу ерда ҳам ҳаёт қайтадан жонланди. Атроф қишлоқлардан бекор юрган 200 дан ортиқ киши ишга жойлашди. 1993 йилнинг ўзидагина бир миллиард сўм даромад кўриш мўлжалланган бўлса, шунинг 300 миллион сўми соф фойдани ташкил этади. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қурилиш ва ободончиликни авж олдириш учун шароит яратмоқда. Ҳозир қўшимча қувватлар яратиш ишлари авж олдирилган. Ишчилар учун дам олиш хонаси, 2 минг тонна вино шарбати сақлаш омбори, қуйиш цехи, коньяк ишлаб чиқариш цехи, марказий лаборатория, спирт олиш цехи ва бошқа бинолар, ҳаммаси бўлиб 3 миллион сўмлик қурилиш объектлари тикланмоқда. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияни жорий этиш, мева, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган район хўжалиқларида етишган маҳсулотларнинг сира нобуд бўлишига йўл қўймасдан сифатли қилиб қайта ишлаш, ишчи-хизматчиларга зарур меҳнат шароити яратиш, маҳсулот ҳажминини 2 баробарга кўпайтириш, йилига 10 минг тонна вино, 1,5 минг декалитр коньякни қадоклаш имкониятини тугдиради.

«ИШОНЧ» НОМИ БИЛАН

УСМОН Юсупов туманидаги «Чандир» жамоа-ширкат хўжалиғида туркман гиламлари тўкиб чиқарадиган кичик қорхона иш бошлади. Қорхона хўжалик маъмурияти ва касабаси уюшмаси ташаббуси билан қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилди. 12 нафар қишлоқ хотин-қизлари меҳнат қилаётган мазкур кичик қорхонага меҳнат аҳлининг сеvimли газеталари бўлмиш «Ишонч» ҳафталиги ҳурматига «Ишонч» номи берилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА ЭЪТИБОР

ЯККАБОҒ тумани ҳокимлиги янги-янги шифо масканларини қуриб ишга туширишга алоҳида эътибор бермоқда. Бир пайтининг ўзида беш жойда шифохоналар қурилиши жадал олиб бориламоқда. Тез кунларда 80 ўринли туғруқхона, 60 ўринли болалар шифохонаси, 60 ўринли жарроҳлик маркази, 3000 кишини қабул қила оладиган поликлиника, 4000 ўринли оналар ва болалар санаторийси туман меҳнатқашларига хизмат қила бошлайди.





Бахт ҳаводан эмас, меҳнатдан келади, дейди халқимиз. Уларнинг самарали меҳнатлари билан халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган жамоалардан бири Урта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳлидир. Ушбу суратларда шу қорхона ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Чапдаги суратда бирлашманинг ижарадаги «Вертикал» қорхонаси ишчиси — зирҳчи Абдуқодир Мақсудхонов. Меҳнатда обрў топиб, яхши ниятларингизга етинг Абдуқодир ака!

Ундаги суратда эса бирлашма касабаси уюшмаси кўмитаси раиси, ғайратли, ташкилотчи йигит Иброҳимжон Розиков. Иброҳимжоннинг меҳнатқашлар манфаати йўлидаги ишларига муваффақият ёр бўлсин.

Пастдаги суратда бирлашманинг тиббиёт пункти мудирси Асия Мардонёва. У ўз ишининг фидойиси, ишчиларнинг саломатлигини вақтида назорат қилиб боради.

Даврон АХМАД олган суратлари.





Саволларга Ижтимоий-таъминот вазирлиги мутахассислари М. ХАСАН-БОЕВА ва М. ХОЖИМАТОВА жавоб берадилар.

II гуруҳ ногирониман, кутубхоначи бўлиб ишлаганман, умумий меҳнат стажим 30 йил, пенсиям кам.

Х. ШОМУРОВОВА,
Жиззах вилояти.

Сизнинг пенсиянгиз 30 йил учун қариллик пенсияси мик-стажга эга бўлганлигингиз доридан тайинланган. Бунда

20 йил учун 55 фоиз ва 20 йилдан ортиқча йилларга ўртача иш ҳақининг 1 фоизидан, жами 60 фоиз миқдоридан белгиланган. Аммо иш ҳақингиз кам бўлгани учун, Сизга энг кам қариллик пенсияси миқдоридан тайинланиб, ортиқча тўлиқ йилларга ҳам 1 фоиз шу пенсиянинг энг кам миқдоридан берилган.

1926 йилда туғилганман. 7 фарзандим бор. I гуруҳ ногирониман. 4995 сўм миқдоридан пенсия оламан. Шу тўғрими? Мен 1942 йилдан 1954 йилгача темир йўлда, сўнг 1970 йилгача давлат хўжалигида ишлаганман.

Орзиқул РИЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Қосон шаҳри.

Сизни меҳнат стажингиз 26 йил бўлганлиги туфайли ногиронлик пенсияси ўрнига қариллик пенсияси олишингиз мумкин. Бундан ташқари иш-ламайдиган пенсионерларнинг пенсиясига қармоғидаги вояга етмаган фарзандлари-

га энг кам иш ҳақининг 50 фоиз миқдоридан кўшимча берилади.

Пенсиянинг миқдори эса пенсионернинг ўртача ойлик иш ҳақи ва иш стажига боғлиқ бўлади.

1993 йил 1 сентябрдан умумий касалликдан 1 гуруҳ ногиронларининг энг кам миқдор пенсияси 21938 сўмга етказилган (14625 сўм асосий миқдор + 7312 сўм 50 тийин — қараб турганлик учун кўшимча) Барча пенсиялар 1 октябрдан 1,2 ва 1 декабрдан 1,5 баробар оширилди.

Очлик билан даволашни ҳақида кўп эшитганман. Аммо умр бўйи шундай яшаб ўтган одамлар ҳам борми?

Феруза БЕКТЕМНОВА,
Гулистон шаҳри, 11-мавзе.

Америкалик улуғ ҳаким Поль Бреггнинг «Оч юриш шарофати» деган китоби билан танишсангиз саволингизга бекаму кўст жавоб топасиз. Поль Брегг таълимотининг исботи ўз ҳаётидир. Оч юриш

са бирор бурдагина еган.

Поль Брегг 90 ёшида навқирон ўсмирлардек абжир, ҳаракатчан бўлиб, ҳар куни 3-5 чақирим масофага югуриш, теннис ўйнаш, ҳар хил жисмоний машқлар бажаришни тарк этмаган. У кунига 12-15 соат ишлаган. Овқатланиш тартиби ва оч юриш туфайли ўз саломатлигини тиклаб олган. Поль Брегг 95 ёшида махсус тахтача-серфингда сув юзасида сайр қилиб юрганида катта тўлқин чўктириб юборган. Унинг танасини текширган жарроҳ барча аъзоларининг нақадар саломатлигини кўриб ҳайратда қолган.

Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманидаги «Торжилга» ширкат жамоа хўжалигидан Э. Жумагулов, Фарғона вилояти Кува туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигидан Б. Қосимовларнинг боғбонликка оид саволлари юзасидан муҳбиримиз Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Равшан Абдуллаев билан суҳбатлашди.

1. Мевали дарахтларнинг қайси бирлари ёнма-ён экилиши мумкин ва қандай оралиқда экилади?

2. Анжир, анор, хурмо ва токни экиш даври усуллари ва уларни парваришлари.

3. Боғларни парвариш қилиш қандай амалга оширилади? Ҳовлимиздаги ёнғоқ ҳосили қорайиб кетади, узумга эса ҳар йили «кул касали» тушиб кетади. Бундан қутулиш мумкинми?

4. Беҳи мевалари майда бўлиб қоляпти. Нирик-йирик беҳи ҳосили олиш учун нима қилиш керак?

5. Ноябрь-декабрь ойларида нималарни экиш мумкин?

1. Олма, нок, гилос, ўрик, шафтоли, беҳи дарахтларини ёнма-ён экиш мумкин. Беҳи ниҳолини сувга яқинроқ жойларга ўтказган маъқул. Ниҳоллар пайвандтаглар турларига қараб, ҳар

хил шаклларда экилади. Пакана пайвандтаглар 4 м×3 м, 5 м×4 м шаклида, ярим пакана пайвандтаглар 6 м×4 м, 6 м×5 м шаклида, уруғдан кўпайтириб кучли пайванд қилинган, масалан, данакли ўсикликлар олхўри, шафтоли ҳовлиларда 4 м×5 м, кең боғларда 6 м×5 м шаклида экилади. Анор, анжир 5 м×4 м, 5 м×3 м, ёнғоқ, ўрик ва бошқалар йирик дарахт саналгани учун 10 м×10 м, 10 м×8 м шаклида экилади.

2. Анжир, анор, хурмо ва токни кўеши нури яхши тушадиган, орасидан шамол юриб турадиган жойларга эккан маъқул. 50×50, 50×40 см чуқурликка ярим челақ маҳаллий ўғитни (4-6 кг) тупроқ билан яхши аралаштириб солиб, экиш керак. Анжир, анор ниҳолларини хиёл қия қилиб экилса, кузда уларни эгиб кўмиш осон кечади. Ниҳолларни биринчи йил 8-10 марта, тошлоқ ерларда 12-14 марта суғориб; ҳар бир сувдан сўнг таглари юмшатилади. Ниҳолларни икки қисм сўндирилган оҳакка бир қисм тупроқ қўшиб, баҳорда ва кузда оқланса касаллик тушмайди. 1 гектар ердаги боғга йил давомида технология бўйича 400 кг азотли, 300 кг фосфорли ва 150-200 кг калийли ўғит, маҳаллий ўғит эса 1 гектар ерга 20-30 тонна солинади.

Ниҳолларни 4-5 йилгача шакл бериб, кесиб борлади. Шакл беришда асосан эрта баҳорда, пишган, бақувват ва кизғишроқ новдаларни қолдириб, нимжонлари кесилади. Мевали дарахтларни кесилганда унинг коса шаклини олишига эътибор беринг. Умуман дарахтларнинг қариган шохларини кесиб, бир умр ёшартириб бориш давом эттирилади.

Отам 20 йил чўпон бўлиб ишлаганлар. Йиқилиб тушиб, энди касалхонада ётибдилар 57 ёшдалар. Пенсияга чиқишлари мумкинми? Малика МЕНГЛИЕВА, Қашқадарё вилояти Деҳқонobod тумани.

Қариллик пенсияси эркакларга 60 ёшга етганларида ва қаида 25 йил меҳнат стажига эга бўлганларида тайинланади. Аммо соғлиғи ёмонлашиб, ишга қобилиятини йўқотса, турар жойидаги

даволаш муассасаси ТМЭХ кўригидан ўтиш учун йўланма беради. Бунда ТМЭХ ҳайъати ногиронлик гуруҳини белгиласа, ижтимоий-таъминот бўлими ногиронлик пенсияси тайинлаши мумкин.

Мен рентген-лаборанти бўлиб ишлаб, 1991 йил 1 июлда имтиёзли пенсияга чиқдим. Иш стажим 33 йил эди. Менга 130 сўм миқдоридан пенсия тайинланган эди. 1993 йил 1 апрелда пенсиям 2788 сўмга етказилди. Менга пенсия тўғри тўланмоқдами?

Усмон ЮЛДАШЕВ,
Фарғона вилояти,
Данғара тумани.

Вазирлик Сизнинг пенсиянгизни қайта кўриб чиқишларини сўраб, вилоят ижтимоий-таъминот бошкармасига топшириқ берди.

Аччиқ дори ёки порошокни ёш болага бериш жуда қийин, кўпинча қайд қилиб ташлайди. Шунини ширин сув билан ичирса бўладими?

Зухро АЛИЕВА,
Андижон.

Шакарли сув ёки ширин эритма дорининг сўрилишини секинлаштиради, бироқ унинг тана таъсирини зиёд етказмайди.

Шунинг учун ёш болаларга аччиқ таблетка ёки порошок ичиришда ширинликдан фойдаланса зарар қилмайди.

● Саҳифани маданият, маънавият ва хатлар бўлими тайёрлади.



ПРОКУРАТУРАГА Боёвут тумани марказида яшовчи Насиба Қодировадан ариза тушди. Унда кўрсатилишича бу аёл туман тайёрлов идораси томонидан нотўғри бўшатишган. Аризани текшириш жараёнида аниқландики, Қодирова декрет отпускасига чиққан. Ишга қайтишни истаб ариза ёзганда эса унга штат қискартирилиши муносабати билан ишдан бўшатишгани маълум қилинган. Бу буйруқ қўлга текканида Қодирова қанчалик изтиробга тушганини тушуниш мумкин. Лекин тайёрлов идораси раҳбарияти, аввало, касаба уюшма кўмитаси бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган. Уларнинг кучи ёш болала аёлга етганига ажабланасан киши.

Аслида Қодирова қонунга хилоф равишда ишдан бўшатишган. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунининг 197-моддасида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга етмаган боласи бўлган аёлларни ишдан бўшатишга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Тайёрлов идораси раҳбарлари афтидан бу қонунни билишмайди ёки билганлари ҳолда қонунни бузишган. Шунинг учун раҳбарлар огоҳлантирилди ва Қодирова ўз ишига тикланди.

Туман газлаштириш идорасининг ишчиси Мурод Сангилловнинг аризаси ҳам раҳбар ходимлар қонунни билмасдан фуқароларнинг манфаатларига зарар келтираётганликларини кўрсатади. Идора бошлиғи М. Курбоналиев бош ҳисобчи У. Бобоевнинг палатпартиш текширувига асосланиб, 1992

йил 16 декабрда Мурод Сангилловдан 5400 сўм пул ушлаб қолиш ва 16 декабрдан уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарган. Прокуратура томонидан ўтказилган текширишда бу буйруқ асосли эмаслиги аниқланди. М. Сангиллов ўз ишига тикланди. Унинг бекор юрган қўнлари учун ҳақ тўланди. Бошлиқ Курбоналиев билан бош ҳисобчи Бобоев огоҳлантирилди. Агар улар бундай хатони яна такрор-

вулнинг январь ойи иш ҳақи тўла ундириб берилди. Зарипов қаттиқ огоҳлантирилди. Мансабни суистеъмол қилганлиги учун унга нисбатан қаттиқроқ жазо чораси ҳам қўлланилиши мумкин эди. Лекин у бу хатони тан олганлиги, қонунни билмаганлиги, қорувулни интизомга чақариш ниятида бўлганлиги инobatга олиниб, огоҳлантириш билан қифояланди.

Биз ҳуқуқий тарбиянинг бўшлиғи,

ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС

лашса, қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши кўрсатилди.

Пушкин номи давлат хўжалиги ишчиси Бегим Розиковнинг аризаси ҳам меҳнат қонуни кўпол тарзда бузилганини кўрсатади. Розиков клубда қоровул бўлиб ишлаган. 1993 йил январь ойи учун клуб мудир Ш. Зарипов унга фақат уч соатдан ишлади деб ярим ҳақини ёзган. Бунга мудир билан қоровул ўртасидаги ноҳуш вазият сабаб бўлган. Текширишда маълум бўлдики, Ш. Зарипов ҳеч ким билан келишмаган, ҳеч қандай зарурий ҳужжат расмийлаштирмасдан ўзбошимчалик қилиб Розиковнинг иш ҳақини камайтириб ёзган. Шу сабабли қоро-

кўпчилик кишиларнинг қонунларни, аввало, меҳнат қонунларини билмасликларини тез-тез гапирамиз. Лекин бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмаётганлиги ажабланарли ҳолдир. Боёвут тумани хўжалиқлараро қурилиш ва таъмирлаш қорхонаси раҳбарларининг иши бунга мисол бўлади. Автомашини ҳайдовчиси Давлат Хўжамқуловнинг аризаси текширилганда шу нарса маълум бўлдики, қорхона бошлиғи Жўра Зарипов автомашини ҳайдовчилари Р. Нурматов, Д. Хўжамқулов, Р. Мирзабеков, Ж. Андақулов, С. Маъмуровларни уч ой муддатга бошқа ишга ўтказган. Меҳнат қонунида эса ишлаб чиқариш зарурати

таказоси билан ишчи ёки хизматчини вақтинча бир ой муддатга бошқа ишга ўтказиш мумкинлиги кўрсатилган. Демак, бу ҳолда ҳам меҳнат қонунчилиги бузилган. Шу сабабли буйруқ бекор қилинди, ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Меҳнат ногиронлари ҳам ўз ҳуқуқлари камситилаётганлиги ҳақида прокуратурага мурожаат қилиб туришди. Масалан, иккинчи тоифа меҳнат ногирони Исмоил Худойбердиев пенсия миқдори камлиги, бу масала ҳал бўлмаётганлиги ҳақида ариза ёзган эди. Текшириш натижасида унинг қонуний ҳуқуқи тикланди. Пенсия олишдаги чалқашлик тузатилиб, унга илгари берилмай қолган пулдаги фарқ тўланди.

Сиртдан қараганда юқоридаги гаплар унчалик жиддий эмасга ўхшайди. Аслида эса бизга оддийгина бўлиб кўринган ариза ортида бир неча кишининг ташвишлари, ҳатто кўз ёшлари ётибди. Бировнинг такдирини ўйламай-нетмай ҳал қилмоқчи бўлган раҳбар бир зум ўзини шу аризагўй ўрнига қўйиб кўрса, кўп нарса аён бўлади, кўп муаммолар адолатли ҳал этилади. Бирок кўп ҳолларда бунга эътибор бермаймиз. Оқибатда қонун бузилади, одамлар изтироб чекишади. Дийнатли раҳбар бунга йўл қўйелмайди. У ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесади.

Турғунбой СОАТОВ,
Боёвут тумани прокурори.

ОПЕРАЦИЯ

АМАЛГА

ОШМАДИ

ҚИРҚ йилда эмас, бир неча кун ичида қинғир ишнинг қийғи чиқди. Республикамиз ҳуқуқларининг 1961—1992 йилларда чиқарилган 5 ва 10 минг сўмлик пулларни муомиладан чиқариш ҳақидаги қарори «Қаршиқурилиш» бирлашмасига қарашли 1-ишчилар таъминоти бўлимининг омбор мудир Шухрат Ёқубовни шошириб қўйди. Омбордаги 1 миллион 62 минг 702 сўмлик «Рус ароғи», 290 шиша «Ширин» виноси, 106 шиша «Совет шампани» виноси, 310 банка қуюлтирилган сўт, 100 кило шакар, 1326 қути «Регистон» папириси, 7 кило ҳинд чойи, жами 1 миллион 293 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ишчилар таъминоти бўлимига қарашли К. Мейлиев, Т. Тўхтаев, Э. Норқулов, А. Раҳматов, А. Бойсунов мудир бўлган дўконларга тарқатилди, деб ҳужжатлаштириб олди-ю, 5 ва 10 мингликлардан иборат 1 миллион 304 минг сўм пулни дўкон мудирлари номидан омонат кассага топширди.

Афсуски, омбор мудирига юқорида саналган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштириб олиш насиб қилмаган экан. Милиция ходимлари бундан ўз вақтида хабар топиб, ишни судга оширишди.

ЧЕГАРА ПОСТИДА

ДЕҲҚОНОБОД туманидаги Чакчак чегара постида давлат автомобил назорати ходимлари томонидан «32-13 ДББ» белгили ГАЗ-53 машинаси ҳайдовчиси Д. Нормуродов 240 литр бензин, 10 кило сариғе, 40 кило пиёз, 10 дона совун, 6 кило кўштни ҳужжатсиз равишда Тожикистонга олиб кетаётган пайтда тўхталди. Худди шу постда «06-80 СДЛ» белгили ЗИЛ-160 машина ҳайдовчиси Ж. Чориев 1000 литр бензинни вилоятдан олиб чиқаётганда ушланди.

«Ишонч» мухбири.

ШУ йил апрель ойидан бери Гулистон туманидаги бир можаро ҳал бўлмади. Собиқ магазин мудир Эргаш Нурматов билан шу магазиндан мол харид қиладиган фуқаролар ўртасида бошланган кўнглил хиралик аввал туманга, кейин вилоятга, яқинда эса республикага маълум бўлди. Бирок ҳанузгача ҳеч ким Эргаш Нурматовни ишонтира олгани йўқ.

Гапни бир четдан бошламасак, газетхонлар ҳам ҳайрон бўлишлари мумкин. 1992 йил июнда Эргаш Нурматов туман маркази Деҳқонободдаги 8-озиқ-овқат магазинга мудир қилиб тайинланди. У аввал дуруст ишлади, бироқ кўп ўтмай харидорлар ундан

магазинга берилган ун, пахта ёғи, шакар, гуруч, чой ва шакарнинг бир қисми карточкалар бўйича берилмагани сабаб бўлди.

Маҳалла аҳолисининг қарори инobatга олинди, Эргаш Нурматов — туман матлубот жамиятининг 1993 йил 30 апрелдаги қарори билан 8-магазин мудирлиги вазифасидан бўшатилади. Нурматов бу қарорни эшитиб туютқди, хонада ўтирган ўндан ортиқ нуфузли одамни пардасиз сўзлар билан ҳақоратлаб, эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди. Унинг туман ҳокимлигига берилган аризаси ҳам кўриб чиқилди. Вилоят матлубот жамиятига, ҳокимлигига, ҳатто Тошкентга



ранжийдиган бўлиб қолишди. Шу ҳудуддаги маҳалла кўмитасига, Деҳқонобод посёлка кенгашига шикоятлар ёзиларверди. Ниҳоят, комиссия тузишди. Текшириш натижаси фуқароларнинг 1993 йил 12 февралдаги йиғилишида муҳокама қилинди. 113 киши қатнашган бу йиғилишда Нурматовнинг кўполлиги ҳам, январь ойида 200 кило пахта ёғи, 113 кило шакар кам берилгани ҳам кўрсатилди. Баъзилар магазин мудирини ишдан олишни таклиф қилдилар. Аммо кўпчилик қаттиқ огоҳлантиришни маъқул кўрди.

Нурматов кўполлигини ташламади. Бунинг устига чекланган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини тўла оломаслик ҳақида фуқаролар орасидаги гаплар кўпайди. Маҳалла аҳолиси 21 апрель ва 27 апрель кунлари яна тўпланишиб, Нурматовни ишдан бўшатиш масаласи туман матлубот жамиятидан сўралсин, деган қарор қабул қилинган. Бундай қарорни чиқаришга Нурматовнинг кўполлигидан ташқари 31 март куни 222 қоп олий нав уннинг ҳар қопи 45 килодан бўлгани ҳолда 50 килодан деб сотгани, 1 январдан 10 апрелгача бўлган муддатда

юборилган аризалари ҳам текширишсиз қолмади. Ҳамма жойда Эргаш Нурматов ишдан асоссиз бўшатилмаган, деган хулоса чиқарилди. Бироқ аризагўй бундан норози. Унга ўз ихтисоси (у олий маълумотли иқтисодчи) бўйича ишлашни ё бўлмаса хусусий савдо дўкони очишни тавсия қилишди. У бунга ҳам кўнмайди. Район ҳокимлигининг жавоб хатида ҳам, вилоят матлубот жамияти хатида ҳам, агар бизнинг фикримизга рози бўлмасангиз, судга мурожаат қилишингиз мумкин, дейилган. Нурматов судга ҳам бормайди. Унинг фикрича суд ҳам, ҳокимлик ҳам туман матлубот жамияти олдида тили қисқик эмиш.

Эргаш Нурматовнинг бунчалик ҳаволаниб кетишига туман ички ишлар бўлими терговчиси Х. Холбоев чиқарган бир қарор ҳам сабаб бўлди. Фуқаролар талаби асосида аввал Эргаш Нурматовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Кейинчалик бу иш ётқизилди. Ётқизилганда ҳам Ўзбекистон жиноят процессуал кодекси 5-моддасининг иккинчи қисми асос қилиб олинди. Шундан кейин Нурматов «Кўрдингизми, мен оқман, умуман айбим йўқ» деб кучайиб кетди.

Терговчи Холбоев чиқарган қарорга кўра, Нурматов хатти-ҳаракатида жиноят состави йўқ. Бироқ бу қарорни батамом тўғри дейиш қийин. Бунга биринчи далил шуки, Нурматов бир неча раҳбар шахсни жамоат жойида, улар ўз вазифаларини бажариб турган пайтда ҳақорат қилди. Бу безориликдир. Иккинчи далил 45 килограмм унни 50 килограмм деб сотиб, харидорлар ҳаққига хиёнат қилганидир. Милиция терговчиси буни билмасдан қилинган хато деб ҳисоблади. Агар шундай бўлса, Нурматов нега шу маҳалгача 19 кишига ортиқча олган пулни қайтариб бермади.

Мана улардан бирининг тушунтириш хати: «Мен 1993 йил 31 мартда аҳолига бериладиган уннинг 45 килограммига 50 килограмм ҳисобида пул тўлаганман. 2 қоп ундан 150 сўм ортиқча пул олган. Пулни қайтаринг деса, магазинга олиб келинг, тортиб кўрамиз, деди. Мен унни яшиқка солиб, бир қисмини ишлашти қўйган эдим. Унни олиб боролмадим, пулимни ҳам ололмадим. Кимсаной Бобоева», Тўхтақул Азимов, Холмирза Сулаймонов, Тўхтақул Омонов, Мунира Устемироваларнинг тушунтириш хатлари ҳам худди шу мазмунда.

Бу гапларни терговчи билмайди дейсизми? Унинг бошқа ҳужжатдан ҳам хабари бор. Масалан, туман матлубот жамияти бош ҳисобчиси, БХСС ходими, маҳалла кўмита раиси текширган фактлар асосида тузилган актда йилнинг дастлабки уч ойи ун қуни давомида аҳолига бериладиган нормаланган маҳсулотдан 332 кило ун, 167 кило пахта ёғи, 291 кило шакар, 145 кило гуруч, 26 кило чой карточкалар бўйича берилмай, Нурматов томонидан кимошди савдоси асосида сотилгани кўрсатилган. Шу рақамларнинг ўзи айрим фуқаролар зарур маҳсулотларни ололмай қийин аҳволда қолганини тасдиқлаб турибди. Бу ҳол Президент фармонида ҳилофдир. Холбоев эса, юқорида айтилганидек, Нурматов сутдай оппоқ деб қарор чиқарибди.

Биз бу гапларни айтишдан ўзимизни тийиб турган эдик. Бироқ Эргаш Нурматов ҳамон магазин беришларини талаб қилапти. Туман матлубот жамияти ун савдо ходими сифатида ишончини йўқотган деб ҳисоблайди. Маҳалла аҳолиси ҳам шу фикрда. Халқ сенинг кўкрагингдан итарса, ундан нарроқ юрганнинг, сени суймаса, унга сурканмаганинг маъқул.

Саминжон СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН мустақиллик шарофати туфайли кўпгина мамлакатлар билан дўстлик ришталарини боғламоқда. Бунга Туркия мисолида янада ойдинроқ кўриш мумкин.

Эсингизда бўлса, ўтган йили ўзбекистонлик 2000 га яқин талаба йигит-қизлар Туркия мамлакатига ўқишга кетган эди. Бунга каранги, кондош турк халқи азал-азалдан ота-боболарининг киндик қони тўкилган юрт — серкуёш ўзбек дидерига келишган экан.

Бу 100 дан ортиқ талаба Тошкент шаҳри олий ўқув юртралига таълим олгани келганлар. Улардан бири Тошкент Давлат Университети журналистика куллиети 2-курс талабаси Эрбой Шириндир.

— Эрбой, авваламбор ўзбек тупроғига хуш келибсиз. Юртимиздан олган илк таассуротларингиз?..

— Ўзбекистон менинг тасаввуримданда ўзгачароқ, гўзал ва

театр жуда киммат. Негадир сизларга театрга унчалик қизиқишмас экан.

— Ўзбекларнинг қайси одати сизга ёқди?

— Уларнинг меҳмондўстлиги менга жуда ёқди. Хатто бир нарсани хайратга солди. Миллий урф-одатларни жуда яхши асрашган. Тарихий ёдгорликларни кўз қорачигидек сақлаганлар. Бу нарсани бошқа халқларга ҳос эмас.

— Таомлари ҳақида нима дея оласиз?

— Бизнинг Туркия таомлари хилма-хиллиги ва сифати жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда туради. Аммо палов қилиш бўйича сизларга етадигани топила маса керак.

— Ўзбек қизлари тўғрисида фикрингиз қандай?

— Улар жуда содда, самимий. Бемалол гаплашиш мумкин. Бизда қизлар билан гаплашиш қийинроқ. Чунки ётоқхоналар бошқа-бошқа. Йигитлар қизлар яшайдиган ётоқхонага кириш

Акс-садо УЗУК КЎЗИДАГИ ҲИКМАТ

Газетанинг 44-сонидаги «Хилол» саҳифасида ҳикматли сўз ҳикоятини қизиқиб ўқидим. Манимча, бу ҳикоят Амур Темур ҳаётидан олинган бўлиб, узук кўзидаги ҳикмат эса

«Рости, рости» деган ёзув бўлса керак.

Мухаммадшариф РАШИДОВ.
«Санъат» институти, 1-курс талабаси.

Узукдаги ҳикматни мен «Бу дунёда ҳамма нарса йлчовлидир», деган сўз деб биламан.

Хайрулла МИРЗАЕВ
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани,
мактаб ўқувчиси.

«Умид қилгин» деган ёзувдан бошқа нарса бўлмаса керак. Чунки одамни ҳар қандай вазиятда умид қутқаради.

Гайбулла ГҲЛОМОВ,
Наманган шаҳри.

Узукда «Сабр қилгин, саргайган етар муродга» деган ёзув борлиги аниқ.

Бувсалма МУРОДОВА,
Жиззах вилояти, Галлаорол тумани

ҲУРМАТЛИ ЕШЛАР!

Юборган жавобларингиз учун сизларга миннатдорчилик билдираман. Чунки ҳар бир жавобда кишини ўйлашга, фикрлашга мажбур қиладиган сўзлар бор. Энди саволимизга энг тўғри ва аниқ жавоб берган Чирчиқ шаҳри, «Чирчиқ» газетаси ходимаси, 20 ёшли Рашида Қорабоевнинг жавобини эълон қиламан:

«Бу ҳикматли сўз «Бу кунлар ҳам ўтади, кетади», деган ёзувдир. Чунки ҳамин кунда хурсанд қиладиган, шодлик дамларда хушёр қиладиган сўз ушбудан бошқача бўлмаса керак!

Рашида ҚУРБОНОВА.

«АЖДОДЛАР ЮРТИГА ЎҚИШГА КЕЛДИМ...»

ранг-баранг экан. Бу юртга келганимда ўзимизга ўхшашликни сездим. Бизни, хуш келдингиз, дея қутиб олдилар. Умуман, кўпгина ўхшашлик томонлари бор.

— Ўзбекистонга кўпдан қизиқасизми?

— Мен бу сеҳрли ўлка ҳақида кўп эшитганман. Китоблар ўқирдим. Ўзбекистоннинг шаҳарлари туширилган рангли суратларни шайдоси эдим. Бу ерга келишимга амаким асосий туртки бўлди. У киши Ўзбекистон. Туркия корхонасида ишлайдилар. Бу юрт у кишига жуда ёқди. Менга ҳам Ўзбекистонда ўқишга маслаҳат бердилар.

Мана насибамиз кўшилган экан, шу юртнинг сувини ичиб, таълим олаймиз.

— Туркияда таълим тизими қандай? Биз билан ўхшашлик томонлари борми?

— Ҳа, бор. Аммо биздаги университетларда 45 минут дарс бўлади. Сизларда 80 минут экан. Бизда дарс давомида асосан бахslashув бўлади. Талаба фикри кўпроқ эшитилади. Сизларда эса фақат ўқитувчи гапирар экан. Деярли 80 минут талаба тинглаши керак.

— Яхшими-ёмонми?

— Менимча, ўқитувчининг тинглаш талабани ялқов қилиб кўяди. Агар дарс давомида талаба ҳам тўлиқ иштирок этса, у ҳар дарсга тайёрланиб, бахslashувда уялиб қолмасликка ҳаракат қиларди. Ундан ташқари талаба ўз фикрини эркин айта оларди.

— Эрбой, Ўзбекистонда сизга энг ёққан нарса нима?

— Менга театрлар жуда ёқди. Ҳар ҳафта театрга тушамиз. «Муқимий», «Ҳамза» театрлари кўзга ташланган спектакллари ҳаммасини кўриб бораемиз. Биласизми, Туркияда бир кишига умри давомида бир ёки икки марта театрга тушиш насиб этади. Бизда

ри мумкин эмас. Лекин қизларимиз Овропа кийимида юрадилар.

— Ётоқхонада шароитлар қандай?

— О, ётоқхоналарингиз бизга ёқди. Айниқса, электрнинг бемалоллиги, ичкарида овқат қилиш, мусика кўйиш мумкинлиги жуда яхши. Бизда бу нарсалар тақиқланган.

— Музика тинглашни яхши кўрар экансиз, сизга ўзбек кўшиқчиларидан қимлар ёқди?

— Ўзбек кўшиқчиларидан Юлдуз Абдуллаева, Равайн Комиллов, «Ялла» ансамбли ва Қумуш Раззоқовлар жуда ёқди. Ҳозир уларнинг кассетларини севиб тинглаяпмиз.

— Ўзбек шеърятидан ҳам хабардормисизлар?

— Албатта. Бир неча шеърини китобларни мурола қилдик.

— Газеталар ҳам ўқиб турасизми?

— Ҳа, «Халқ сўзи», «Онла ва жамият», «Замон», газеталарини ўқийман. Негадир газеталарингизда ҳаммаси сиёсат ва мамлакатдаги ижтимоий ахвол тўғрисидаги мақолалар бўлади.

— Эрбой, мустақил ўзбек дидерини келажакда қандай тасаввур қиласиз?

— Ўзбекистоннинг келажаги ёшлар кўлида. Уларни ўз аждодлари каби донишманд, билимдон қилиб тарбиялаш лозим. Бу юртда қанчадан-қанча буюк алломалар ўтмаган дейсиз. Ҳозир ҳам қанча буюклар етишмоқда.

Мамлакат мустақиллигини ҳимоя қилиш учун чуқур билим билан биргаликда курашувчанлик ҳам талаб этилади.

Мен тенгдошларимга бу йўлда мустахкам ирода ва донишмандлик тилайман.

— Раҳмат!

Улжамол ХОННАЕВА.

ОДАТДА, бирон бир асарни ўқиганимда ундаги қахрамонлар вужудинга кириб кетишади, уларнинг ҳаётига бевосита аралашсан, энг муҳими, қахрамоннинг ўйлари, хаёллари сенинг ҳаётингга ҳам таъсир этаётганини хис қиласан. Маълум бир китобни ўқиркансан, кўпинча унинг қахрамонларидан ақл ўрганасан, улардан ўрнак олиб, иродангни пешлайсан. Америка ёзувчиси Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романини ўқиб туриб, юқоридаги фикрларга юз фоиз кўшилдим. Романини

лий бир гап эди. Мартиннинг севагиси, матонатли, ўтлуғ севагиси бу хаёлий гапни ердаги гапга айлантира олди.

Саҳрода кетаётган йўловчи йироқдаги саробни денгиз деб ўйлагани каби, асар сўнгида жуда катта ирода ва матонат эгаси бўлган Мартиннинг гўзаллик маъбудаси ҳам ўз ялтироқ чехрасини очиб ташлайди. Бизнингча, ҳақиқий гўзаллик эгаси соф, танти, меҳнатсевар Мартин эди. Зеро, пулсиз, оч-наҳор, қийналиб ўз буюқ асарларини яратганида, унга ҳеч ким илиқлик билдирмаган эди, асарларини бир

ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

ўқиш жараёнида оддий денгизчи Мартиннинг машҳур ёзувчи Мартин Иденга айланишини ўз кўзинг билан кўрасан. Нафақат бу айланишини, балки комилликка интилаётган, комрон бўлмоқчи бўлган инсоннинг оғир уқубатларини, турмуш зиддиятларини, гўзалликнинг кадр кимматини ўз кўзимиз билан кўрамиз, хатто қўлимиз билан ушлаб кўргудек бўламиз. Мартин бутун қуч-қуввати, тафаккури, меҳнати билан гўзаллик излайди, гўзалликнинг рангпар ва учағон қапагини тутмоқчи бўлади. У аристократ оила вакили Руфга кўнгил кўяди. Руф университет дипломига эга, санъатшунос қиз. Мартиннинг назарида олам гўзалликларининг олий нуқтаси, таъбир жоиз бўлса, сувайдо нуқтаси Руф деган сариккина қизнинг чехрасига кўчган. Руф Мартинга туюлиши бўйича оламда танҳо малика, гўзаллик тимсоли, унинг фикри бўйича кечаси нур сочаётган ой эмас Руф, кундузи оламни ёритаётган қуёш эмас Руф, алалхусуси, жамики дунёнинг маънисини Руфда. Оддий фақир бир Мартин унга етишишга интилиши, олис бир юлдузга интилгандай хаё-

амаллаб эълон қилдириб, ўз таланти билан чинакамга боийиб, ярқиллаб майдонга чикканида эса Мартиннинг «дўстлари» ўз-ўзидан кўпайиб кетди. Шундай асарларни ўқиётганимда негадир А. Ориповнинг оломонга қарата «Машраб осилганда қаёқда эдинг, Лорка отилганда қаёқда эдинг», деган гаплари эсимга келади. Ҳа, сен қайғудалик вақтинг томошабин бўлиб, омадинг чопганида елканга кокувчи дўстлардан ўзи асрасан.

Мартин, қучли ирода ва матонатли қалб соҳиби, юраги биллурдай тоза, гўзал қахрамонимиз асар сўнгида ўзини ўлдириши, ачинарли албатта. Аммо энг муҳими, ўзининг ким эканлигининг, нимага қодирлигининг намоиш қила олиш бўлса керак. Мартин бу бахтга эришган эди. Байрон ҳам айтган-ку: «Кўк нарғис зорида бир катта юлдуз бўлиб бир ёнсам эди, сўнг майли ўчсам, ҳам», деб...

Фикримиз сўнгида ўзининг нималарга масъуллигининг хис қилмоқ учун ҳам бу романини ўқимокни тилаймиз.

Уктам ЖУМА ўғли,
Сурхондарё вилояти.

ИЖОД СЕҲРИ

(ЕШ ҚАЛАМҚАШЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИГА ОБЗОР)

АБАДИЯТ айвонидаги санъатлардан бири — адабиётдир. Чунки у ишқ қадар қадимий ва соҳирдир. Ҳар қандай адабиёт ҳам қайғу ва изтироб, машаққат ёмғирларидан вужудга келади, худди бир гунчанинг пайдо бўлиши ва гуллаши пачоғлик мумкин бўлса, ҳар бир асарнинг дунёга келиши ҳам шу қадар душвордир. Шу томонига эътибор берилганида, «Ишонч» газетасига келаётган денгиз томчиларидай мўл ва кўл шеърлар ва ҳикояларнинг муаллифларига миннатдорчилик билдирмай иложингиз йўқ. Уларнинг бари ҳам умид билан хатто иккиланиш билан ўз асарларини ҳукмингизга ҳавола этишади ва... фақат ҳақиқатни, энг одил баҳоноқ билдиришимизни исташади.

Қўлимизда самарқандлик Насиба Хайитова, Салмон Дастамов, бухоролик М. Арабова, Умиджон Бердиевларнинг шеърини машқлари. Сўз қурилишидаги нуқсонлар, шеърини иктидорнинг етарли эмаслиги, адабий дунёқараш йўқлиги, булар юқоридаги ҳаваскорлар учун муштарак ҳусусиятлар. Улардан биттаси ўз мактубини «Мен бекор вақтларимда шеър ёзиб тураман», дейди. Шеърят — бу тақдир, тақдирга эса ўйини каби қараб бўлмайди. Шеър эса... Биласизми, у қандай бўлиши керак? Унда чуқур ерости дарёларининг шовуллаши, ҳазонларнинг шитирлаши, тонги гунчалар тотори, осмоннинг юлдузли ва сокин рафтори безовта дилнинг улуғлигига ўхшаган оппоқ қор ёғиши, боринг-ки, энг гўзал, энг нафис, энг тоза гўзалликларнинг бари-бариси акс этиши, борлигингизга намхуш шамоллар кўкнингизга урилган каби фараҳ окизиши лозим. Хусусан, шеърингизда «денгиз» деган сатр бўлса, ўқувчи қозғоз узра ҳақиқатдан денгизни кўрсин, чағалларнинг кичкириклари-ю, оккушларнинг

енгил қанот қоқишлари, тўлқинларнинг қояга урилиб, чилпарчин бўлишидан тортиб, кечки сув соқинлиги — буларнинг барчасини ўқувчи кўра олсин. Чунки адабиётнинг талаби катта шонирга ҳам кичик шонирга ҳам бир хил: асарингиз санъатқорона чиксин.

Бу гаплар насрий асарлар эгалари, жижзахлик Умида Ҳамидовага, тошкентлик Гулчехра Турдибековаларга ҳам тегишли. Ўзингиздан, роҳату фароғатингиздан кеча олмас экансиз, адабиёт осмонидаги юлдузларни санамай кўя қолмади. Таҳририятимизга келган ҳикоялар ҳам оддий воқеалар баёни, сўзлар омборхонасидан иборат бўлиб қолган. Қаламқашларимиз сўзининг улўғ эканлигини унутмаслигини истардик. Қўплар эса А. Қаҳҳор айтмоқчи, сўзининг даҳоона қучини «ўтти ёришга» сарф қилишган. Тўғри, айрим қаламқашларнинг, жумладан, самарқандлик Шохиста Рустамованинг ва фарғоналик Гулҳумор Мамажонованинг машқлари анча-мунча эътиборга арзирли. Аммо уларга ҳам ўзларига, қаламларига ўта бешафқат бўлишларини, кўпроқ ўқиб-ўрганишларини тилардик. Энг муҳими, ҳар бир сатрингиз 20 миллиондан ортиқ аҳолиси бор Ўзбекистон қадар улўғ, гўзал ва зариф бўлсин, зеро, шонирлардан бири айтганидек, «унутмангки, сиз халққа қараёсиз!».

Алалхусуси, «Ишонч»га ўз машқларини йўлаган барча қаламқашлар ўз асарларига нисбатан ҳақиқат билан ёндашувимизни сўраганликларини учун шу фикрларни айтишни лозим топдик. Чунки ижод сеҳри кишини чинакамга асир этар экан, яратилажак асар бизнинг талабимиздаги гўзал асар бўлмаслиги мумкин эмас...

Туланом ТОҒАЕВА.



Болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари фестивали.



ФЕСТИВАЛ дастлаб жойларда ўтказилган бўлса, якуни меъморчиликнинг юксак талаблари асосида безалган, ҳамма шарт-шароитларга эга, антика «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Вилоят касба уюшмалари кенгаши катта моддий ёрдамдан ташқари ўғил-қизлар овқатланиши, байрам дастурхони учун 1,5 миллион сўм пул ажратди.

Фестивални ўтказишдан мақсад: болалар уйлари ҳамда мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини бадий ҳаваскорлик ижодиётига жалб этиш, замондошларимиз юксак асарларини кенг тарғиб қилиш, энг яхши бадий ҳаваскорлик жамоалари ва иктидорли ижрочиларни аниқлаш, болалар билан ижодий ишлаш усул

ва услубларини такомиллаштириш, маданият ва санъат ходимларини болалар ижодиётига жалб этиш, қийин шароитда маданий меросни ривожлантиришга ғамхўрлик қилишдир.

Мазкур фестивал ташаббускорлари Тошкент вилояти касба уюшмалари кенгаши ва унинг уюшмаларо маданият маркази ҳамда вилоят маданият жамғармасидир.

води ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Рустамбанк» универсал тижорат банки, Тошкент тажриба-эксперименталь механика заводи ва бошқа корхона, фирма, ташкилотлар ҳомийлик қилиб фестиваль жамғармасига 3,5 миллион сўм пул ўтказдилар.

Фестивал юксак талаб даражасидаги бадий ҳаваскорлик анжуманига айланиб кетди. Дилрабо куй ва кў-

мактаб-интернат бадий ҳаваскорлари ижро этган хоразмча раке ҳам томошабинларнинг юксак баҳосини олди.

Чирчиқдаги 14-мактаб-интернат ўқув даргоҳи бадий ҳаваскорлари кўп йиллардирки ўзларининг бой анъаналарига эга. Флора Фотихова бошлик бадий ҳаваскорлар корхона, турли маданият муассасаларида концертлар кўйишади. Томоша-



уюшмаларо маданият маркази совринли ўринларни эгаллаган етимхоналарга 2 та Арган ва мусика асбобларини совға қилди.

Совриндорлар — 101-мактаб-интернат мусика асбоблари мажмуаси, 102-мактаб-интернатга электроарган, 21-болалар уйи ўзбек халқ чолғу асбоблари, 2, 23, 103, 106, мактаб-интернатлар 250 минг сўмдан пул мукофотлари билан тақдирландилар. Кўпгина бадий ҳаваскорлик жамоалари ҳам совғалар олишга муяссар бўлишди.

Будир ПУЛАТОВ.

Суратларда: болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари фестивали якунидан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

КУЙ—ҚЎШИҚҚА УЛАНДИ

— Биз бу савобли ва хайрия ишларга жондил билан қўшилдик,— дейди «Инвестбанк» раиси муовини Муроджон Алимов,— аниқлашимизча фестиваль қатнашчилари вилоят ва шаҳардаги болалар уйлари ва мактаб-интернатда тарбияланувчи ота-онасиз, боқувчисиз, шунингдек, жисмоний ногиронлар махсус ўқув даргоҳлари талабаларидир. Қийин шароитда келажак эгаларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлашни фарз деб билдик. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Элим» халқаро маданий хайрия маркази, «Прогресс» далачилик — саноат ижара корхонаси, «Совпласттал» кичик корхонаси, Тошкент трактор за-

шиқлар, турли кўнгилочар томошалар олқишга сазовор бўлди.


Тошкент вилояти касба уюшмалари кенгаши уюшмаларо маданият марказининг ходими, Озарбайжонда хизмат кўрсатган артист М. Алиева саҳналаштирган «Дилором» рақсини 22-болалар уйи бадий ҳаваскорлари ижро этишганда томошабинлар ҳаяжонланиб кетдилар.

И. Охунбобоев номидаги кўзи ожизлар мактаб-интернатида бадий ҳаваскорликка, талабаларнинг маданий савиясини кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактаб-интернатда беш йиллик мусика бўлими ўқувчилари ва Олмалиқдаги 8-

дан тушган пулларга мактаб-интернат учун мусика асбоблари сотиб оладилар. Бу йил республика бўйлаб саёҳатда бўлдилар. Улар ижросидаги «Чирчиқ шаҳрим» деб номланган кўшиқ кўпчилиكنинг таҳсинига сазовор бўлди.

Муборак Ғайратова бошчилик қилаётган Ўрта Осиё темир йўлига қарашли 2-мактаб-интернат бадий ҳаваскорлари ижро этган «Доира» рақси тарбияланувчиларнинг ўсиб бораётган маҳоратларини яна бир бор номойиш этди.

Фестивал охирида ғолибларга мукофотлар берилди. Вилоят касба уюшмалари тармок кўмиталари пул мукофотлари тақдим этдилар. Касаба уюшмалари кенгаши



— Муҳаммад Али, АҚШдаги бир гуруҳ ёшларга ўзбек тилидан сабоқ бергани борганидан хабардоримиз. Уларда ўзбек тилига қизиқиш қандайлиги ҳақида айтиб берсангиз. Тил ўргатиш қийин кечмадимми?

— Тилни болалиқдан ўргатишгагина осон кечади. Менинг талабаларим эса асосан аспирантлар эди. Лекин уларда Ўзбекистонга, тарихимизга, маданиятимизга қизиқиш, уни ўргатиш иштиёқи жуда кучли. Халқимизнинг Ибн Синою Улуғбек, Бобуру Беруний, Амир Темиру Алишер Навоий каби алломалари яратиб кетган буюк меросини ўрганишга барча халқлар қатори америкаликларда ҳам катта интилиш бор экан. Биласиз, ҳар қандай тарих ва маданиятнинг қалити — бу тил. Ана шунинг учун ҳам мен фахру ифтихор билан уларга муаллимлик қилдим. Профессор Ильяза хоним Сиртаутас яратган ўзбек тили грамматикаси дарслиги асосида дарс олиб бордим. Бу борада профессорнинг ўзлари йўл-йўриқ кўрсатдилар. Икки йиллик курснинг биринчи курсини икки ой муддатда ўтадик.

Бир воқеа ёдимга тушди. Америкада орттирган дўстларим билан бир куни Сиэтлдаги «Хиндистон» ресторанига бордик. Ресторан ходими — ҳинд йигитига менинг Ўзбекистондан эканлигимни айтишганда, афсуски, у бу юрт ҳақида ҳали эшитмаганини билдирди. Шунда мен Мирзо Бобурни тилга олиб, шу улуг зот турган дийрдан келганимни билдирганимда ҳинд йигитининг чеҳраси қундай ёришиб «Ха, билдим, билдим» деб менга таъзим қилди. Машхур ҳинд эпоси «Рамаяна»ни Бобур тили — ўзбек тилига таржима қилганимни билганида, худди яқин кадрдонини топгандек сезинчи ошиб-тошиб кетди.

Шунда мен сўзнинг, бадий адабиётнинг куч-қудратига, болалар руҳининг буюклигига яна бир бор тан бердим.

Яна мен талабаларимга Ўзбекистон ҳақида, ўзбекона урф-одатлари турмушимиз, гўзал йигит-қизларимиз, тарихий обидаларга бой шаҳарларимиз ҳақида воқеабанд эртак айтиб бердим. «Тошкентлик Шаҳризода» деган бу эртакни йўл-йўла-

кай ўзим тўқидим ва ҳар куни бир қисмини ёзириб, ёдлаб келишни, инглизчага ўғиритиш талаб қилдим. Улар эртакнинг давомига қизиқиб, баҳонада тил ўргана бордилар. Ўзбекистонни тасаввур қила бошладилар. «Насриддин Афанди ва кирк титло» деган пьеса ҳам ёздим, улар завқ билан ижро этишди. Режиссер ҳам ўзимиз эдик, албатта. Навоий ҳақида, Абдулла Кодирий ва Чўлпонлар ҳақида кўп суҳбат-

хоятда унумли фойдалана биладилар. Билдим олишга қизиқиш ниҳоятда юксак.

Менга у ерда имтиёз сифатида талон беришди. Шу талон билан автобусда бепул юрдим, университет кутубхоналари-ю ўқув залларига кириб, йетаган китобдан фойдаландим Яна у ерда кексаларга, ногиронларга бўлган муносабат менга жуда ёқди. Бекатда бирон кекса, ногирон ёки ёш болали аёл турган бўлса — улардан олдин ҳеч-

бино ичида чекмайди. Шунинг учунми, биноларнинг ҳавоси тоза. Маст ҳолатда юрган кишини ҳам кўрмайсиз.

— Сизга хуш келмаган ҳолатлар ҳам бўлгандир?

— Менга ёқмагани шу бўлди-ки, одамларда бир-бирлари билан учрашиб туриш одати йўқ, бор бўлса ҳам қам. Ҳамма ўз-ўзи билан банд. Бирон иккинчи бировдан бирон нима илтимос қилмайди. Нимага-ки эришиш зарур бўлса — ўзи интилади, керак нарсани ўзи топади. Хуллас, имкон қадар бирон-бировни безовта қилмайди. Маош ҳақида сўраб-суриштиришни айб деб билмади.

— Сизнинг ижодингиз, яратган китобларингиз, ўғилу қизларингиз ҳақида ҳам сўрашгандир?

— Инсон аввало бир-бирини яхши билсагина, бир-бирини тушунсагина, ҳатто юрагида қандай дарди борлигини ҳис қилсагина ана ундан кейин сўзи таъсирли, меҳнатлари унумли бўлади. Мен талабаларим билан аввало яқин, бир-биримизни яхши биладиган, дилдан суҳбатлаша оладиган дўст эдик. Уларнинг ниятлари яхши, бири тижорат билан шуғулланмоқчи, иккинчиси тарихимизга қизиқди. Учинчиси миллий масалаларга диққатини қаратган, тўртинчиси ўзбек аёллари ҳаёти, турмуш тарзини ўрганмоқчи, бешинчиси АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида келажакда хизмат қилмоқчи... Бу яхши гаплар.

Улар билан биргалашиб палов пиширдик, ўзбекча қўшиқлар ўргандик. Ўзбек тили гуруҳининг йиғилишларидан бирида хозирги ўзбек адабиёти ҳақида суҳбат ўтказдим, адабларимиз ижоди ҳақида гапириб бердим. Шунингдек, ёзги дастур режасига киритилган Марказий Осиёда экологик муҳит мавзусидаги маърузалар тизимида Орол деңизи ҳақида суҳбатим билан қатнашдим. Бундай маърузалар университетда одат тусига кирган. Албатта, ижодим, оилам ҳақида ҳам сўрашди, лекин булар ҳақида дардан бўш вақт қолганига суҳбатлашдик.

— Кўрганларингиз бадий асар тарзида қозоғга тушса керак? Бу борада сизга муваффақиятлар тилаймиз!

АМЕРИКАДА ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСИ

Мухбиримиз Санъат Маҳмудова Сизта шаҳридаги Вашингтон университети профессори, Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзги дастури раиси, туркишунос олима Ильязахоним Сиртаутас тақлифига биноан уч ой муддат Америкада бўлиб она юртига қайтган Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан учрашди.



лар бўлди. Ҳар куни эрта тонгдан пешингача тинимсиз ишлашга тўғри келди. Лекин мен талабаларим руҳидаги ўзгаришдан, ўзбек тилини анчагина билиб олганларидан қувониб қайтдим.

— Талабаларингизнинг билим олишига қизиқишлари борасида нима дея оласиз?

— У ердаги муҳташам кутубхоналар, китобларга бўлган эъзоз кишининг ҳавасини келтирадиган даражада. Ўзбек ёзувчилари, шоирлари, олимларининг ҳам китоблари бор. Компьютерлар орқали йетаган китобингиз ёки газета-журналини кутубхонадан жуда тез топ оласиз. Талабаларимнинг эса бирон соат дарс қолдирганларини эслай олмайман. Улар вақтдан ни-

ким автобусга чиқмайди. Бир куни бекатда ногирон кишига қўзим тушиб қолди. У аравачасида ўтирибди. Автобус келиб тўхтагач, ҳайдовчи ерга тушиб, эшик биқинидаги тугмачани босган эди ҳамки, зинапоилар ер сатҳи билан баб-баробар бўлди. У киши аравачаси билан ногиронлар учун ажратилган жойдан ўрин олгандан сўнг, йўловчилар чиқа бошладилар. Баланд зиналар билан чиқиладиган идораларда ҳам бундай аравачаларнинг юриши учун қулай йўллар қурилган. Ҳаммаёқ озода-сарипта. Ҳамма ўзи уйи атрофини тоза тутлади. Олмаҳонлар шундоқ оёқ остида чопиб юришди. Кўм-қўқ, суви тоза ҳовуларнинг атрофи ихота қилинган. Ҳеч ким ҳеч қачон



Режиссёр: — Шундай қилиб, дўстим Полизий, пьесада тугун бўлиши керак, ечим бўлиши керак. Сизнинг пьесада гизда на тугун бор, на ечим. Адабиёт назариясини ўқиганмисиз ўзи?

Полизий: — Йўқ, акаси, менинг 6 класс маълумотим бор. Қишлоқчилик, адабиёт ўқитувчимиз кўп-кўп касал бўларди. У тузалганда мен касал бўлар-

Полизий: — Тўғри, лекин «Назарнома» деб аташса, яхши бўлар экан-а? Ана кўрдизми, илҳом келиб қолди. Ташвишланманг, қотирамиз, қанча-қанча қовун-тарвуз эккан одам назарномани ўқиб олмаса уят-ку. Мабодо бировдан сўраб олсам ҳам бўладими?

Режиссёр: — Ҳа, бўлади. Тугунсангиз бўлди.

гина нарса етишмаяпти, шуни қилсангиз, любой театр ўйнайверади, дейишди.

Хуррам: — Ия, нимаси етишмас экан, пьесадаям недостача бўларканми?

Полизий: — Билмадим, шунақа дейишди-да.

Хуррам: — Аниқроқ гапир, нима деди ўзи?

Полизий: — Сиз «назарнома»ни ўқинг. Асарингизда «тугун ва ечим» етишмаяпти, дейишди.

Хуррам: — «Назарнома», бу «назар қилгин» ёки «назар қилгин» дегани бўлса керак. «Қуруғи»дан чўз деганимикин-а?...

Полизий: — Қойиле, тўғри топдинг, озгина узатиш керакдир-а?

Хуррам: — Энди, дўстим Полизий, «тугун» дегани қуруғини тугунга тугиб олиб келгин, ёнида коньяк бутулкасининг боши сағал чиқиб турсин, дегани.

Полизий: — Э, қойил-ей.

Хуррам: — «Ечим» дегани-чи? Тугун келгандан кейин қолган масала ечилди, деганидир.

Полизий: — Оббо Хуррам-ей, ақлинг бало санинг, бало! Бекорга завскак бўлмагансан. Хизир назар қилган одамсан-да. Қанақа қилиб топдинг-а?

Хуррам: — Шу гап ўртамизда қолсин, менинг ишим доим тугунчак. Молга келган магазин мудириларнинг «тугун»и бўлмаса ишининг «ечими» ҳам бўлмайди-да. Аксинча, туёғинги шикиллат дейман. Театр ҳам шунақа тугунли бўлган чамамда.

Полизий: — Э, ўлма, топдинг-а, топдинг!..

Ҳайдар МУҲАММАД.



дим. Хуллас, ҳозир гектарчиман. Шу киш бекорчиликда қургур илҳомим қайнаб қолади денг, театр ёзавераман, ёзавераман, озгина ичвосам яна қайнийман денг. Шу, сиз айтган назарномани ўқимаган эканман-да. Ҳа, дунёда китоб кўп, ҳаммасини ўқиб бўлармиди дейсиз. Лекин албатта, топиб ўқийман. Мен ёзволай, «назарнома»миди?

Режиссёр: — Йўқ, адабиёт назарияси.

Полизий: — Ҳа, бари бир гўр эмасми? «Бобирнома», «Қобуснома» ҳа наза-ия.

Режиссёр: — Назария.

Полизий: — Ҳа, яшанг! Сўраб, сўраб ўрганган олим...

Режиссёрнинг олдидан хурсанд чиққан Полизий арзимаган «тугун ва ечимни» билиб олиш нима экан деб, тўғри оғайниси завскак Хуррамнинг олдига боради. Унинг назарида завскак Хуррам ҳамма нарсага ақли етадиган эди.

Хуррам: — О, драматург Полизий, қалай, театрингни ўқишдими?

Полизий: — Ўқишди, оғайни ўқишди.

Хуррам: — Нима дейишди?

Полизий: — Зўр дейишди, лекин оз-



беш қўйган эдим.

— Кечирасиз, профессор, мен университетда ўқимайман, математик ҳам эмасман.

— Бўлиши мумкин эмас! Жуда яхши эслайман. Сизга 16-билет бўйича берган жавобингизга беш баҳо қўйган эдим.

— Тўғри, домла, лекин у менинг отам эди ва бундан 25 йил муқаддам сизда ўқиган.

— Лўша, тасаввур қилсанми, боболаримиз даврида электр қуввати, радио, телевизор, магнитофон, компьютерлар бўлмаган. Қандай яшаганликларини кўз олдимга келтира олмайман.

— Шунинг учун ҳам ўлиб кетишган-да.

— Кўндан буён шеър ёзасизми?

— Ҳа, биринчи шеъримни

15 йил аввал ёзган эдим. Унда ҳозир нима ёзласиз? — Иккинчисини.

Бизнинг дала ҳовлимиз ажойиб. Атрофи йрмон билан қуршалган Шундоқ ёнидан дарё оқиб ўтади. Мабодо меҳмонга бориб қолсангиз маза қилиб чўмиласиз. Роса йрайсиз, тоза ҳаводан баҳраманд бўласиз.

— Раҳмат, албатта бораман. Манзилини айтиб юборинг!

— Нега энди? Шундоқ бораверинг-да.

— Ота:— Дарсингни тайёрладингми?

Уғил:— Ҳа, алифбони ёд олдим.

Ота:— Унда айтчи, «А» дан сўнг қайси ҳарф келади.

Уғил:— Қолган ҳаммаси.

Хотин:— Нимага ҳаяжонланаяпсан?

Эр:— Кўзойнагимни йўқотиб қўйдим.

Хотин:— Сени қара-ю, қидир унда!

Эр:— Иложи йўқ. Аввал уни топишим керак.

— Муаллимимиз ҳеч қачон ит кўрмаган экан.

— Нималар деяпсан, Коля?

— Рост, ҳеч кўрмаган экан. Кеча доскага катта итти расмини чизиб, «Нима бу?» деб сўрапти-я.

Жамоа хўжалиги йиғилишида:

— Утган йили 50 гектар ерга лавлаги ўтказандик, тўнғиз еб кетди. Бу йил — 100 гектардагини еб қўйди.

Келаси йили 300 гектарга ўтказамиз — бўқиб ўлсин!

Русчадан Азизхўжа ТИЛЛАХЎЖАЕВ таржимаси.

— Миша уйда йўқ. Нима деб қўяй?

— Марҳамат қилиб, Малов қўнғироқ қилди, деб қўйсангиз.

— Илтимос қулогим оғирроқ, такрорланг.

— Хиҷжалаб айтаман: Михаил, Алексей, Леонид, Олег, Василий. Ҳаммаси тушунарлими?

— Исмларини тушундим, энди фамилияларини айтинг.

— Яхши йигит ишларингиз қалай?

— Раҳмат, яхши!


— Сиз университетда энг истеъдодли талабасиз, математикадан мамнуният билан

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Энига: 1. Уйиб ёки бўёқ билан безак чизувчи уста, санъаткор. 4. Япониянинг Хонсю оролидаги шаҳар. 8. Оммага тарқатиш учун мўлжалланган муҳим хабар босилган қоғоз. 9. Авлоддан авлодга, оғзаки ўтиб юрадиган ривоят. 10. Тошкент вилоятидаги кимёгарлар шаҳри. 12. Табиий офат, ер силкиниши. 13. Шакарпазлик маҳсулоти. 14. Жанубда тарқалган йирик жонивор. 20. Сўз санъати. 21. Ҳафта куни. 22. Жанубий Амирқодаги давлат пойтахти. 23. Шашмоқомда мусиқа асари қисми. 24. Албания пойтахти. 25. Торли, миллий мусиқа асбоби.

Бўйига: 1. Ширинлик тури. 2. Марказий Осиёдаги тоғ тизмаси. 3. Балиқнинг нафас олиш аъзоси. 5. Маъсулиятини ўзига олган ҳолда ишонтириш. 6. Кунчиқардаги мамлакат. 7. Меваси ширин, хушбўй жануб ўсимлиги. 11. Қорақалпоғистодаги шаҳар. 12. Дания таркибидаги энг йирик орол. 14. Кимёвий модда, инерт газ. 15. Нок меваси нави. 16. Амирқолик ихтирочи номи билан аталувчи қотишма металл. 17. Тақинчоқ буюмлар устаси, ҳунарманд. 18. Ғарбий Африкадаги давлат. 19. Иш ҳайвонига ортиб юк ташишга мўлжалланган идиш.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.



● Газетага 1991 йил 8 январда Узбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувоҳнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

● Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

● Узбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

● нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-712 1 2 3 4 5 6

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛКИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АКРОМОВ (бош муҳаррир муовини), Абдуманноп АЛИМБОЕВ, Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Турғунбой МАДИЕРОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Абдурасул РЎЗМАТОВ, Саминжон СУЛТОНОВ (вилоят муҳбири), Мухайё ТЎЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-31-41;
- Навонийда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-82-79;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят востачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нархда.

- ШАНБА кўнлари чиқади.
- Босишга 17 декабрда топширилди.
- Навбатчи масъуллар: Турғун НАЗАРОВ, Санъат МАҲМУДОВА
- МАНЗИЛИМИЗ: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
- 63660 нусхада босилди.
- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.